МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Баҳодир Хаитов
Чирчиқ ОТҚМБЮ Гуманитар фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ватанимизда қадимдан бошлаб турли миллат ва дин намоёндаларининг тинч ва осуда турмуш кечириб келаётганлиги айтиб ўтилган. Юртимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларга тўхталиб ўтилиб, унинг турли халқ ва дин вакилларининг ҳамжиҳатлигини оширишдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ислом дини, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, диний соҳадаги ўзгаришлар, ислоҳотлар.

THE ROLE OF RELIGIOUS VALUES IN PROVIDING INTERNATIONAL PEACE

Bahodir Khaitov
Chirchik Higher Tank Command Engineering School
Senior Teacher of the Department of Humanities

ABSTRACT

This article says that people of different nationalities and religions have been living in peace and tranquility in our country since ancient times. Reforms in the field of strengthening religious tolerance and interethnic harmony in our country, its role in enhancing the unity of different peoples and religions were highlighted.

Key words: Islam, religious tolerance, interethnic harmony, changes in the religious sphere, reforms.

КИРИШ

Юртимизда асрлар давомида турли миллат ва халқлар тинч-тотувликда, толерантлик ғоялари асосида осуда яшаб келганлар. “Толерантлик (лот. to1erant - сабр-тоқат), бағрикенглик – ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига

нисбатан тоқатли бўлиш”, деб таъриф берилган, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида. [7-485]

Бугунги кунда ҳам миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик ғояси дунёда энг долзарб муаммолардан биридир. Шу муносабат билан ЮНЕСКО 1995-йил Парижда “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”ни қабул қилди. Бирлашган Миллатлар ташкилоти эса ҳар йилнинг 16-ноябрини “Халқаро бағрикенглик куни” деб эълон қилди. [6-471]

Мамлакатимиз ҳудудида яшаган аҳоли қадимдан турли-туман динларга эътиқод қилиб келганлар. Тарихий маълумотларга қараганда ислом дини VII аср охири VIII аср бошларида юртимизга кириб келган. Унга қадар аҳолимизнинг асосий қисми зардуштийлик динига сиғинган бўлса-да, насронийлик, буддизм, яҳудийлик, шомонизм, оташпарастлик, ҳиндуизм каби динларга ҳам эътиқод қилувчилар кўпчиликни ташкил этган. [6-45] Жумладан, Самарқанд вилоятининг Ургут шаҳри нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақасида насронийлик маркази бўлган бўлса, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри буддизм марказларидан бири ҳисобланган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ислом дини анъаналари ҳаётимизга тўлиқ сингиб, турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетганидан сўнг қатор миллий ва маҳаллий динлар таъқиқланган, бошқа динларга эътиқод қилувчилар турли тазйиқларга учраганлар. Лекин бирмунча вақт ўтгандан сўнг ислом дини билан бир қаторда бошқа дин вакиллари елкама-елка, бир маконда ўзаро иноқликда яшашни давом эттирганлар. “Бу даврда маънавиятда ҳурфикрлилик, ҳар қандай билим, илм-фанга ҳурмат, диний оқимлар эркинлиги устуворлик қилган. Диний ва дунёвий илмлар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ривожланган. Қадимги юнон, ҳинд ва бошқа юртлар анъаналаридан, билим манбаларидан ҳам кенг ижодий фойдаланилди”. [8-125]

Ҳозирги вақтда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат намоёндалари, 16 диний конфессияга мансуб 2238 та диний ташкилот, православ ва протестант семинариялари фаолият юритиб, мамлакатимизнинг тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқдалар. [6-476]

Бизнинг ҳудудимизда минглаб йиллардан бери турли диний эътиқод вакиллари диний бағрикенглик тамойили асосида яшаб келаётганлигини кўриш мумкин. Халқимизнинг ҳаётида ён-атрофдаги шахслар қайси динга эътиқод қилмасин уларга ўзаро ҳурмат асосида, олижаноблик туйғулари билан муносабатда бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Мисол тариқасида, яҳудий миллатига мансуб шахсларнинг ўрта асрларда бошқа ўлкалардан қувғин қилиниши уларни Бухоро шаҳрига келиб жойлашишларига сабаб бўлган. Шу давр давомида кўчиб келган яҳудийлар ва

шу ҳудудда истиқомат қилувчи ерли аҳоли вакиллари ўртасида ҳеч қандай низоларни келиб чиқмаганлигини кўришимиз мумкин.

Соҳибқирон Амир Темур даврида бошқа дин ва миллат вакилларига бошпана берганлиги, уларни ўз ҳимоясига олганлиги ҳақидаги маълумотлар кўплаб сақлаб қолинган. Улардан бирида Соҳибқироннинг Яқин Шарқ давлатларига ҳарбий юриши вақтида Ироқ ҳудудида мусулмонларнинг шиа йўналишига мансуб аҳолини қирғин қилинишининг устидан чиқади. Амир Темур ўзининг одилона сиёсати туфайли бу ердаги шиа ва суннийлар ўртасидаги урушга барҳам беради.

Соҳибқирон авлодидан бўлган Заҳриддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистон ҳудудларини ўз қўлига киритгандан сўнг бу ҳудуд аҳолисини ёппасига исломлаштиришга киришмади, балки ҳиндларнинг эътиқод қилувчи ўз динлари учун кенг имкониятлар яратиб, улардаги марҳумнинг яқинларини қўшиб ўтда ёндиришларига чек қўйди.

НАТИЖАЛАР

Бу тарихий мисоллардан кўриниб турибдики диний бағрикенглик миллатимиз менталитетига қўшилиб кетган бўлиб, у ўзбек халқи маънавий дунёқарашининг ажралмас қисмига айланган. Биринчи Президентимиз: “Халқимизнинг асрлар синовида янада кучайиб, тобланиб борган мустаҳкам иродаси, иймон-эътиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балки миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга асос бўлади”, [3-26] деб таъкидлаган эди.

Юртбошимиз Ш.Мирзиёев томонидан йўлланган жорий йилдаги мурожаатномада, жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш алоҳида таъкидланди. Шунингдек, 30 июль – “Халқаро дўстлик куни” муносабати билан юртимизда биринчи марта “Дўстлик ҳафталиги”ни ва “Дўстлик” халқаро форум-фестивалини ўтказишни таклиф этди. [4-28]

Сўнгги йилларда Президентимиз Ш.Мирзиёев бошчилигида том маънода кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилиб, аҳолимизнинг турмуш тарзини яхшилаш, унинг даромадларини ошириш, мамлакатимиз нуфузини жаҳон майдонларида янада юқори чўққиларга олиб чиқиш, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик тамойиллари асосида яшашларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ биринчи Президентимиз ташаббуслари билан диний соҳада қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилган. Айниқса, аҳолимизнинг катта қисми эътиқод қилувчи ислом дини анъаналари ва қадриятларини тиклашга алоҳида урғу берилган. Жумладан, Имом Термизий, Имом Бухорий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро,

Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор Вали, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотурудий каби ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларнинг номлари қайта тикланди. Уларнинг асарлари таржима қилинди ва бир неча марта чоп этилди. Шунингдек, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини нишонлаш ва муқаддас Ҳаж зиёратини амалга ошириш борасида аҳолимизга қатор енгилликлар берилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жорий йилда Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Абу Муин Насафий каби буюк аллома ва мутафаккирларнинг таваллуд айёмлари юқори савияда ўтказилиши белгиланган.[4-29]

Шу билан биргаликда ислом дини анъаналарини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида 1999 йилда Тошкент Ислом институти ташкил этилди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, 1992 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, [1-13] деб белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда ҳам ушбу ислоҳотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Миллатлараро муносабатлар ва динлараро бағрикенглик тамойилларига алоҳида урғу бериб келинмоқда.

Ҳурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини қамраб олган Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш» деб номланиб, унда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилган [2-4].

МУҲОКАМА

Мамлакатимиз тарихига эътибор қаратадиган бўлсак ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк алломалар етишиб чиққанлигини, уларнинг асарлари мана бир неча асрлардан бери бутун мусулмон оламида алоҳида эътибор ва эҳтиром билан ўқиб-ўрганиб келинаётганини кўришимиз мумкин. Улар жумласига, Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрад”, Имом Термизийнинг “Суннаи Термизий”, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф”, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарларини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан турли диний экстремистик ташкилотларга аъзо бўлиб қолган минглаб фуқароларимиз авф этилди. Яқин Шарқ минтақасида баъзи сабабларга кўра бориб қолган, яқинларидан ажралган қанчадан-қанча фуқароларимиз, жумладан, ота-онасиз болалар қуролли тўқнашув ўчоқларидан ватанимизга қайтарилди.

Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам: “Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради.

Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”, [5-22] деб таъкидлаб ўтган эди.

2018 йил 16 апрелда “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони эълон қилинди. Ушбу фармонга кўра қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги белгиланди:

Биринчидан, “жаҳолатга қарши маърифат” ғоясининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ сингдириш;

Иккинчидан, ислом дини ва жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини тўғри шакллантириш;

Учинчидан, диннинг зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган ёт ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш;

Тўртинчидан, жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувлик, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

Бешинчидан, информацион ривожланган даврда жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни барвақт аниқлаш ва уларни олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш;

Олтинчидан, диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш.

Бугунги глобаллашув даврида бутун дунё “кичик бир қишлоққа айланди” дейиш мумкин. Атрофимизда рўй бераётган турли ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга бефарқлик оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Сўнгги йилларда Яқин Шарқ минтақасида содир бўлган воқеаларнинг кўпчилигида бевосита ўзаро диний келишмовчиликларнинг ўрни борлигини кўриш мумкин. Жумладан, Ливан, Ироқ, Сурия, Миср, Яман каби давлатларда бўлиб ўтган ва турли кўринишларда давом этаётган воқеалар фикримиз далилидир. Ачинарли жиҳати шундаки, баъзи оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрлари томонидан етарли даражада ўрганилмаган, бир ёқлама фикрлар билдирилган, асоссиз, расмий тасдиқланмаган хабарларни тарқатишлари натижасида кўплаб инсонлар, айниқса ислом дини ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган кишилар орасида ислом дини тўғрисида нотўғри тасаввурнинг шаклланишига, шунингдек, “исломофобия” вужудга келаётганлигини кўриш мумкин.

ХУЛОСА

Шундай экан, ёшлар тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам юқори даражада эътиборли бўлиш бугунги куннинг муҳим талабларидан десак, асло муболаға бўлмайди. Чунки, ёшлар онгида диний бағрикенглик ғояларининг шакллантирилиши миллатлар ўртасидаги тинчлик, барқарорлик ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда ҳар бир шахс, ҳар бир миллат бугунги кунда ўз тараққиётининг кейинги тақдири ҳақида ўйлар экан, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик тамойиллари ҳақида чуқур ўйлаши лозим. Бу борада айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод вакилларига диннинг ҳақиқий мазмун-моҳияти ҳақида чуқур ва батафсил тушунча бериш уларни турли зарарли ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олган бўлар эди.

Зеро, ҳурматли юртбошимиз таъкидлаганидек: “Мамлакатимизда “жаҳолатга қарши маърифат” деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади” [4-28].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2017 й.
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 феврал ПФ-4947-сонли Фармони. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017 й.

3. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2016.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. 2020 й. www.gov.uz
5. Ш.М.Мирзиёев. БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нутқи. Дунё, сиёсат, жамият. 8-нашр. Гулистон. 2017 й.
6. М.Раҳимов, А.Замонов. Ўзбекистон тарихи. Т.: “Фан” нашриёти. 2019 й.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-том. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000 й.
8. Қ.Усмонов, М.Содиқов, С.Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2016 й.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2017 й.
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 феврал ПФ-4947-сонли Фармони. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017 й.
3. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2016.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. 2020 й. www.gov.uz
5. Ш.М.Мирзиёев. БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нутқи. Дунё, сиёсат, жамият. 8-нашр. Гулистон. 2017 й.
6. М.Раҳимов, А.Замонов. Ўзбекистон тарихи. Т.: “Фан” нашриёти. 2019 й.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-том. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000 й.
8. Қ.Усмонов, М.Содиқов, С.Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2016 й.